

## Фикр дурдоналари (19-қисм)



10:35 / 27.03.2017 4937

**96.** Бир киши Ҳузайфа розияллоҳу анҳуга: "Мен мунофиқ бўлиб қолишдан қўрқаман", деди. У киши ундан: "Холи қолганингда намоз ўқиб, гуноҳ қилганингда истиффор айтасанми?" деб сўрадилар. У: "Ҳа", деб жавоб берди. Шунда Ҳузайфа розияллоҳу анҳу: "Боравер, Аллоҳ сени мунофиқ қилмабди", дедилар.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг сирдошлари бўлиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам у кишига мунофиқлар кимлигини номма ном айтганлар. Ҳузайфа розияллоҳу анҳу бу сирни ҳеч бир инсонга айтмасдан, ўзлари билан бирга қабрга олиб кетганлар.

**97.** Уч турдаги кишини унутишдан эҳтиёт бўл:

1. Қийин вазиятларда сенга ёрдам берган кишини;
2. Қийин вазиятларда сени тарк этган кишини;
3. Қийин вазиятлар келиб чиқишига сабаб бўлган кишини.

**98.** Эй Роббим! Қоронғу қабрга қўйилган кунимда, қабримни нурли қилгин!

**99.** Агар бирор ишга надомат қилмасликни хоҳласанг, ҲАР БИР ИШНИ АЛЛОҲНИНГ РОЗИЛИГИ УЧУН ҚИЛ!

**100.** Лаа илааха иллаллоҳ

Дунё фақат Унинг зикри билан ёқимли, хуш бўлди.

Охират фақат Унинг афви билан ёқимли, хуш бўлди.

Жаннат фақат Уни кўриш билан ёқимли, хуш бўлди.

*Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари),  
“Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.*

**Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси